

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бахтиёр Қурбонович Турдимуродов

Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали ўқитувчиси

baxtiyor.turdimurodov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўқитишнинг ананавий усуллари эскиришини ҳисобга олиб, уларни АКТлар ва дастурий воситаларни қўллаган ҳолда инновацион технологиялардан фойдаланишни таълимда қўллаш ҳамда кузатувлар ва таҳлиллар асосида мақсадга эришилган.

Калит сўзлар: Ахборот, маълумот, компьютер, дастурий таъминот, таълим, инновация, технология, электрон дарслик, электрон видео дарслик, педагогик технологиялар.

USE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN TEACHING PRACTICAL TRAINING

ABSTRACT

In this article, taking into account the obsolescence of traditional teaching methods, their use in education using ICTs and software tools, as well as the purpose of achieving the goal based on observations and analysis.

Keywords: Information, information, computer, software, education, innovation, technology, e-textbook, e-video textbook, pedagogical technology.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлил натижалари асосида берилган хулосаларда олий таълим ўқитиш жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги маълум бўлди.

Ушбу йўналишда биз томондан олиб борилган кузатишларда шу нарса маълум бўлдики, талабаларни Интернет ёрдамида фанларни ўзлаштириш жараёнида: бир тоифа талабалар фанни тўлароқ, чуқурроқ ўзлаштиришса,

иккинчи тоифа талабалар акси, талаб даражада ўрганолмаётгани маълум бўлди. Чунки, фанга доир мақбул вариантдаги интернет маълумотини танлаб олиш учун кўплаб вақт мобайнида адабиётларни кўриш, ўрганиш зарур бўлади. Юзага келган ҳолат дарсдан кейин талаба ва ўқитувчини ҳамкорликда индивидуал кўпроқ ишлашини талаб этмоқда.

Келтирилган кўрсатмалар асосида информацион ахборот технологиясига оид фанлар бўйича 3 йўналишда биз томондан қуйидаги тадқиқот ишлари амалга оширилди:

1) тиббиёт касб таълими йўналиши фанларига компьютер технологиясини қўллашга доир илмий изланишлар;

2) ижтимоий ва тиббиёт соҳага ахборот технологиясини қўллаш йўналишидаги илмий изланишлар.

3) тиббиёт саноати ва ишлаб чиқаришида компьютер технологиясини қўллаш йўналишида олиб борилган илмий изланишлардан иборат.

Бу тадқиқот ишларимиздан асосий мақсад: талабаларни кун сайин ошиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида **мустақил равишда фаолият**

кўрсата олишга, соҳаларда замонавий **ахборот технологияларини самарали**

қўллаш ва ахборот оқимидан **оқилона фойдаланишга** ўргатишдан иборат эди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Замонавий таълим шароитида олий ўқув юртлари талабаларининг мустақил ишлаш ва ўрганиш фаолиятини ошириш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш илғор инновацион педагогик технологиялардан ҳамда янги авлод электрон видео ўқув адабиётларидан фойдаланишни талаб этади. Шу билан бирга бугунги кунда ахборот ва коммуникация технологияларининг кириб келиши билим узатилишининг янги шакллари ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бундай шакллардан бири фанларни электрон таълим захиралари воситасида ўқитишдир. Электрон таълим захиралари воситасида таълим бериш педагогик адабиётларда компьютерли ўқитиш технологияси деб юритилади.

Мақолада Тиббиёт таълим муассасаларида ўқитилаётган фанларнинг мазмунини модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат босқичига кўтариш масалалари ўз аксини топган. Унда ушбу тизимда

ўқитилаётган амалий машғулотлар дарслари бўйича муаллиф томонидан ишлаб чиқилган технологиялар тўғрисида фикрлар баён этилган.

Мамлакатимизда миллий тиббиёт ва фармацевтика таълимини модернизация қилиш, ушбу соҳага халқаро таълим стандартларини жорий этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, таълим олаётган ёшларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг самарали тизимини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳурматли юртбошимиз Шавкат Мирзиёев белгиланган вазифаларни бажариш учун интеллектуал ривожланган, кенг мушоҳада қилувчи, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун олий таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унинг мазмунида ижодкорлик руҳи ва мотивлари ҳукм суриши лозим. Бунда инновацион фаолият субъектининг талабларини қондиришдан инновацион фаолият субъекти эҳтиёжининг мажмуавийлигини англаш ва шакллантиришгача бўлган амалий фаолияти жараёнида юзага келувчи субъектнинг янгиликни яратиш ва ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж ва қизиқишларини ўзида ифода этувчи, ундовчи куч бўлмоғи лозим. Бугунги кунда Тиббий таълим тизимини мазмунан модернизациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат босқичига кўтаришдан асосий мақсад талабаларимизнинг замонавий билим ва касбга эга бўлиши ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатар, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашини ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат ҳисобланади.

МУҲОКАМА

Бугунги кунда Тиббий таълим тизимида амалий машғулотни қуйидаги босқичларда ўтказиш мақсадга мувофиқ:

- янгилик киритишни шакллантириш, ўқув жараёнини лойиҳалаштириш;
- инновацион ғояларни ижодкор ўқитувчилар гуруҳи билан синовдан ўтказиш, тажриба синовдан ўтказилган амалий ишнинг якунини чиқариш, шу асосда янгиликни кенг миқёсда қўллаш бўйича қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш;
- янги ғояларни излаш: ахборотлар банкини яратиш, инновацион жараёнлар ривожланишига бағишланган назарий-амалий семинар, тренингларни ташкил этиш ва уларни қўллашга тайёрлаш;

- янгиликни жорий этишни таҳлил қилиш, танқидий қараш, тадбирлар ташкил этиш ва янгиликни таълим тизимига татбиқ этиш ва бошқалар.

Индикаторлар тизими орқали таълим сифатини бошқариш механизмини яратиш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Демак, бугунги кунда ҳаётимизда тобора катта ўрин олаётган илму-фан, таълим-тарбия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, тиббиёт, маданият ва санъат каби муҳим соҳа ва тармоқлар ривожини ижодкор олимлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

НАТИЖАЛАР

Худди шундай таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, тарбиянинг таъсирчан механизмларини излаб топиш, ўқитиш жараёнига инновацион технологияларни татбиқ қилиш, шу ва шунга ўхшаш барча саволларга жавоб топиш учун Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва бошқа соҳа мутасаддилари саъйҳаракат қилишмоқда. Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиалида амалий машғулотларни ўқитиш жараёнида қуйидаги инновацион технологиялардан фойдаланиш профессор-ўқитувчиларнинг ўқитиш сифатини ошириш ва такомиллаштирилиб борилаётганда, қуйида илғор педагогик услубларини қўллаш тавсия этилади.²

Пинборд техникаси. Пинборд инглизча Pin- маҳкамлаш, board- доска сўзидан олинган бўлиб, муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириб, гуруҳлашни амалга ошириш, жамоа тарзда ёки ягона ҳолда қарама-қарши фикрларни шакллантиришга имкон яратади. Дастлаб ўқитувчи муаммоли саволни ўртага ташлайди ва талабалардан ўз фикрларини баён этишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий ҳужумнинг бошланишини ташкил этади. Фаол талабалар рағбатлантирилади. Кейин фикрлар таҳлил қилиниб, муҳокама қилинади, баҳоланади ва энг самарали фикр танланади. Ушбу таянч хулосавий фикр алоҳида қоғозларга ва доскага ёзилади (маҳкамланади).

Ушбу технологияда муаммоли савол бўйича барча фикрлар жамлангач, гуруҳ намояндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

- хато ёки такрорланаётган фикрлар олиб ташланади;
- баҳсли фикрларга аниқлик киритилади;
- фикрлар маълум белгилар бўйича тизимлаштирилади, гуруҳларга ажратилади;
- уларнинг ўзаро муносабатлари чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида белгиланади. Жамоанинг ягона ёки қарама-қарши фикрлари ишлаб чиқилади.

“Веер” технологияси. Мураккаб, муаммо характердаги мавзуларни ўрганишда қўлланилади. Бу технологияда мавзу бўйича дастлаб тўлиқ ва қисқа маълумот берилади. Кейин мавзу бўйича асосий муаммоли саволлар ажратилиб, алоҳида кичик гуруҳларда муҳокама этилади, яъни муаммонинг ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари аниқланади. Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни шакллантириб, талабаларга ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма баён этишларига, ҳимоя қилишлариша шароит яратади.”Веер” технологияси ёрдамида мавзунинг алоҳида саволлари бўйича кичик гуруҳларнинг, ҳар бир талабанинг фаол иштирок этиши таъминланади ва уларнинг ушбу савол бўйича билимлари баҳоланади.

ФСМУ технологияси. Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрларини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрига бошқаларни ишонтиришга, очиқ-ошкора баҳслашишга, эгаллаган билимларни таҳлил қилиши, уларни қай даражада эгаллаганлигини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади. Ушбу технология тингловчиларга қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларини баён этиш тартибида амалга оширилади

Ф – фикрингизни баён этинг.

С - фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг.

М- кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

ФСМУ технологиясида мавзу бўйича савол қўйилади. Талабаларга ФСМУ технологиясининг моҳити ва уларнинг вазифаси тушунтирилади. Топшириқни бажариш учун аниқ вақт белгилайди, масалан 15-20 минут. Топшириқни ҳар бир талаба шахсан бажариши талаб этилади. Талабалар фаолиятини кузатади, уларнинг саволларига жавоб бериб боради, йўналтиради, маслаҳатлар беради. Кузатув даврида тўғри қарор ёки фикр ёзаётган талабаларни аниқлайди. Жавобларни йиғиб олиб, кузатув даврида нисбатан тўғри деб топилган талабаларнинг фикрларини ўқийди, қўшимчалар киритиб, савол бўйича тўлиқ маълумот беради. Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинари якунида (тингловчиларнинг ўқув-семинари ҳақидаги фикрларни билиш мақсадида) ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин.

“Скарабей” технологияси. Ўқитишнинг ИНТЕРАКТИВ технологияларидан бири бўлиб, ундан ўқув материалларини ўрганишнинг турли босқичларида фойдаланиш мумкин. Бу технологияда талабалар тажрибасидан фойдаланилади, рефлексив кузатишни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятини яратади. Ушбу технология қуйидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилади:

- дастлаб ўқув мавзусининг моҳияти, тузилиши ва мазмуни “ақлий ҳужум” технологияси асосида белгиланади;
- мавзу бўйича ўрганиладиган саволлар ўртасидаги алоқалар, боғлиқлик, асосий тушунчалар аниқланади;
- мавзунинг ҳар бир саволи чуқурроқ ўрганилади, мавзу бўйича талабаларда янги ғоялар пайдо бўлишига имконият яратилади.
- Ўқитувчи мавзуни яқунлаб, олинган билимларни мустаҳкамлайди.²

ХУЛОСА

Шундай қилиб, амалий машғулотларни ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш тиббиёт таълими тизимида соғлом ижодий муҳитни яратиш, ўқитиш сифатини янги босқичга кўтариш, талабаларнинг дунёқараши, тафаккури, мустақил мушоҳада қилиш қобилиятларини ривожлантиришга замин яратади. Юқоридаги технологиялар орқали диққатни жамлаш, эркин мушоҳада юритиш, ишончли қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш кўникмаларини ривожлантиради ҳамда гуруҳни фаоллаштиришга эришилади. Инновацион технологиялар ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган бўлиб, ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ифода этади. Улар босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда муайян метод, усул ва воситалар асосида самарали бошқариш тизими мақсадга йўналтирилади. Кўзланган натижаларга эришишда кўмакчи бўлади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент, 26 Январ. 2020 й
2. О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиев Замонавий таълим технологиялари /Тошкент, “Фан ва технология нашриёти”, 2013 й
3. Абдуллаева Ш.А. Педагогика. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2013 й

4. Pedagogy of the Twenty-First Century: Innovative Teaching Methods
<http://dx.doi.org/10.5772/intechopen.72341> Mynbayeva, Zukhra Sadvakassova and
Bakhytkul Akshalova. New Pedagogical Challenges in the 21st Century -
Contributions of Research in Education.